# ТАССРДА ИРРИГАЦИЯНИ ТИКЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН (1921-1924 ЙИЛЛАР)

**Э.Эркаев**

*Мақолада архив ҳужжатлари асосида совет ҳокимиятининг ирригацияни тиклаш ва ривожлантириш, ирригация иншоотларини қуриш орқали суғориладиган ерларни кенгайтириш борасида амалга оширган ишлари ёритилган.*

***Калит сўзлар**: ирригация, сунъий суғориш, мелиорация, экин майдони, халқ хўжалиги.*

*В статье на основе архивных материалов освещена деятельность советской власти,направленная на расширение посевных площадей путем восстановления и развития ирригации, строительства ирригационных сооружений.*

***Ключевые слова**: ирригация, искусственное орошение, мелиорация, посевная площадь, народное хозяйство.*

*The article, on the basis of archival materials deals with the issues of expanding irrigated sown areas on the basis of the construction of irrigation networks by the Soviet authorities and the repair of irrigation facilities.*

***Keywords**: irrigation, artificial irrigation, land improvement, area under crops, national economy.*

Ерларни сунъий суғориш Туркистон шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Шунга қарамай, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Қизил армиянинг истиқлолчиларга қарши кураши натижасида ирригация шохобчалари вайрон бўлган, ирригация тизими – сойлар, каналлар, магистрал ариқлар тозаланмай, таъмирланмай қолган эди. Ирригация таназзулга учраб, суғориладиган экин майдонлар ҳам қисқариб кетган эди. Ўлканинг асосий деҳқончилик райони ҳисобланган Фарғона вилоятини олиб кўрсак, умумий экин майдони 1915 йилда 866 минг десятина бўлган бўлса, 1919 йилда 396 минг десятинага, 1922 йилда эса 361 минг десятинага тушиб қолган, яъни 1915 йилга нисбатан 1919 йилда 44,7% ни, 1922 йилда эса 40,7% ни ташкил қилган [1.122].

1921 йил 24 августда Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши РСФСР олий Халқ хўжалик кенгаши қошидаги Бош пахта қўмитаси тўғрисида қарор қабул қилди. 1921 йил 22 сентябрда эса “Пахтачиликни, пахта тозалаш саноатини ва пахта сотиб олишнинг давлат томонидан ташкил қилиниши тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлади. [2.23] Бу ҳужжатларда Бош пахта қўмитасига қуйидаги вазифалар юклатилган: 1) пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш, жумладан, пахта экин майдонларини кенгайтириш, ерларни мелиорациялаш, пахтакор хўжаликларни кредит, уруғлик, ўғит, деҳқончилик машина ва қуроллари билан таъминлаш, уруғлик бўйича тажриба ишларини яхшилаш; 2) пахтакор районларда ирригация тизимини сақлаш ва яхшилаш, шунингдек, янги ерларни ўзлаштириш; 3) пахтакор районларда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш; 4) пахтакор хўжаликлар учун кредит ташкил қилишга кўмаклашиш; 5) пахтакорларнинг колхоз, кооператив ва бошқа бирлашмаларини ташкил қилиш.

Мамлакатнинг пахтага бўлган эҳтиёжи бу ҳолни тезда бартараф этишни талаб қилар эди. Сув иншоотларини тиклашнинг биринчи босқичида асосий эътибор кам маблағ талаб қиладиган, оддий иншоотларни қуришга, кейинчалик эса доимий мураккаб инженерлик иншоотларини қуришга қаратилди. 1921 йилда ТАССРдаги ирригация ишларига давлат томонидан ажратилган маблағ 351,9 минг, 1922 йилда эса 400 минг рублни ташкил этган [3.57].

Бундан ташқари ҳокимият органлари томонидан сув хўжалиги ишларига деҳқонлар оммаси мажбурий равишда жалб қилинди. 1921 йилда ирригация тизимидаги тиклаш ишларига “натура мажбурияти” ҳисобидан 2 млн. киши-кунидан ортиқ, 1923 йилда эса қишлоқ аҳолиси 3,6 млн. киши-кундан ортиқ ишлаб бердилар [4.245]. Бу даврда Исфара, Сўх, Исфара Шоҳимардон, Андижонсой, Улуғнор, Оқ-Қорадарё, Дарғом, Боғи шамол, Иртишар, Талиғулом, Юмалоқтепа, Бош-Булоқ каби сув иншоотлари қурилди.

1921 йил 19 февралида очилган Туркистон пахтакорларининг I қурилтойида ҳам барча суғориш тизимларини тезда тозалаш ва республикадаги бош ҳамда сув тақсимловчи иншоотларни тартибга солишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш вазифаси қўйилди. 1922 йил 5 сентябрда “сувдан фойдаланиш” қонуни қабул қилинди. 1922 йил баҳоридаги сув тошқини асосий тўғонлар, сув иншоотларини яроқсиз ҳолатга келтириб қўйди. Масалан, Қорадарёдаги Кампировот сув тақсимлагичининг издан чиқиши оқибатида Андижонсой

ва Шаҳрихонсой каналларига сув келиши тўхтаб қолди, Зарафшон дарёсидаги Равотҳожи ва Оқдарё сув тақсимловчи тизимлар тўлиқ ишдан чиққан эди.

1922 йил декабрда ҳукумат томонидан “Туркистонда ирригацияни тиклаш ва ривожлантириш” тўғрисида қарор қабул қилинди. 1923 йил 3 сентябрда Туркистон республикасида махсус ирригация фонди ташкил этилди ва ирригация ишларини йўлга қўйиш учун аҳолига ёрдам кўрсатиш вазифаси белгиланди.

Бу масалаларнинг барчаси ва ўлка суғориш тизимларини тартибга солиш, янги каналлар қуриш муаммолари 1923 йил 6 мартда Тошкентда бўлиб ўтган ирригаторлар кенгашида кўриб чиқилди. Кенгашда фақат бузиб ташланган иншоотларни ишга солишгина эмас, бу борада илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ишларини олиб бориш, малакали мутахассислар тайёрлаш, сув масаласи бўйича қонун жорий этиш кенг муҳокама этилди. Кенгашда ирригация ишларини режалаштириш, ҳунар-таълим тизимини ташкил этиш, сувдан фойдаланувчиларнинг бирлашмасини барпо этиш, суғориш тизимини ривожлантириш учун махсус фонд тузиш ҳақида келишиб олинди.

Халқ хўжалигини тиклаш йилларида сув хўжалиги тажриба-тадқиқот институти Анҳор, Бўрижар, Гадраган сув иншоотларида, Зарафшон дарёсида қурилган тўғонларда илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Иттифоқ бюджетидан 1921-1924 йиллар мобайнида Туркистонда ирригация иншоотларини тиклаш ва ривожлантиришга 12 млн сўм (олтин пул ҳисобида) маблағ ажратилди [2.29].

Туркистонда ирригациянинг оғир аҳволда эканлигини, пахтачиликни тиклаш ирригация шохобчаларини таъмирлашга боғлиқлигини ҳисобга олиб, совет ҳукумати 1923 йил учун бу ишга 6 млн.сўм (олтин пул ҳисобида) ажратди. Бу, албатта, суғоришни яхшилашга салмоқли таъсир кўрсатди.

Бу катта маблағ фақат одатдагидек жорий таъмирлашнигина эмас, балки муҳим ирригация шохобчаларини капитал таъмирлаш, қатор муҳандислик иншоотларини қуришга имконият берди, канал ва магистрал ариқлар ҳолати яхшиланди. Суғориладиган майдонларнинг қисқаришини тўхтатди ва экин майдонларини кенгайтирди, пахта ялпи ҳосилини орттирди. 1923 йилда пахта экиладиган майдонлар 192,8 минг гектарни, пахта ҳосили эса 37,7 минг тоннани ташкил қилган. 1922 йилга нисбатан 1923 йилда пахта майдони 123, 5 минг гектар, ялпи ҳосили эса 25 минг тонна ортиқ бўлган.

1923 ва 1924 йилларда ирригацияни тиклашга бюджетдан маблағ ажратишнинг ортиши билан бирга деҳқонларнинг суғориш тизимини тозалаш ва таъмирлашда иштироки ўсди. Деҳқон хўжаликлари 1923 йилда 3,5 млн. кун меҳнат мажбурияти ҳисобида 3,5 млн сўмлик иш бажарган бўлса, 1924 йилда 2,5 млн кун ҳисобида 3,8 млн сўмлик иш бажарган.

Кенг миқёсдаги тиклаш дастурини бажариш малакали ирригатор кадрларни тайёрлашни талаб қилган. 1923 йилда Тошкентда кечки гидротехникум очилган. 1924 йилда кундузги гидротехникум ва десятник (иш боши)лар мактаби ташкил қилинди.

1922 йилда Ўрта Осиё давлат университетида очилган муҳандислик-мелиоратив факультетини 1923 йилда 8 нафар муҳандис-гидромелиораторлар битириб чиққан. 1924 йилда шу факультетни яна 8 нафар талаба тугатган.

1923-1924 ўқув йили муҳандислик-мелиоратив факультетига олдинги йилларга нисбатан анча кўп талабалар қабул қилинган. 1924 йил апрелда факультетнинг биринчи курсида 136 талаба, II курсида 79, III курсида 39, IV курсида 19, жами 258 нафар талаба ўқиган [5.262].

Тошкент кечки гидротехникумда 200 нафар, кундузгида 100 нафар ўқувчи, десятниклар мактабида 63 нафар ўқувчи ўқиган. Техникумда ўқиш муддати 3,5 йил бўлган. 1924 йил декабрда кечки гидротехникумда ўқувчиларнинг биринчи битириб чиқиши бўлган. Шундай қилиб, Ўзбекистонда муҳандис ва техник гиромелиораторларни тайёрлашга асос солинган эди.

20-йилларда ирригация соҳасида ҳам илмий тадқиқот ишлари анча кенгайди. Гидрометрик станциялари иш бошлади. Бу илмий ўчоқларда суғориш норма (чама)лари, қишлоқ суғориш тартиби масалалари ўрганилди. 1925 йилда Гидротехника илмий тадқиқот институти ташкил бўлди. Бу институт базасида кейинчалик Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институти вужудга келган.

Ирригация иншоотларининг кўпайиши кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳам орттириб юборди. 1924 йилга келиб сув хўжалиги соҳасида республикада 1354 нафар ходим ишлаган бўлса, шундан 84 нафари олий тоифадаги инженер мутахассислар, 405 нафари техник ходимлар; 201 киши илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланган, 765 киши жойларда ирригация иншоотларида ишлаган.

Шу йилларда Туркистон сув хўжалиги бошқармаси катта ишларни амалга оширди. Шаҳрихонда катта сув тақсимловчи тармоқ 25 та иншоот қурилди. Андижонсой каналлари таъмирланиб, ўзани тўғриланди. Норин дарёсидан сув оладиган Янги ариқ канали қайта таъмирланди. Худди шундай тадбирлар Мирзачўлда, Чирчиқ-Ангрен сув ҳавзасида, жумладан, Бўзсув-Зах йўналишида, Анҳор

каналида ҳам амалга оширилди.

Амударёнинг қуйи оқимида катта ишлар амалга оширила бошлади. 1923 йилда бу ерда 332 та махсус насослар ўрнатилди, 300 га яқин сув иншоотлари таъмирланди.

1924 йилнинг ўзидаёқ фақат Самарқанд вилоятида Дарғом сув тақсимлагичи тўла таъмирланди. Эски Туя тортар каналида ирригация иншоотлари қурилди. Бу ишларни амалга оширишда 463865 куб ер қазиш ишлари олиб борилди. Сирдарё вилоятида Зах ва Хакан ариқларининг бош қисмини қайта қуриш, Бектемир узели (тугуни)нинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари олиб борилди.

Совет ҳукумати томонидан катта миқдордаги маблағ ажратилиши, сув хўжалик органларининг малакали кадрлар билан таъминланиши, ирригаторлар ва деҳқонларнинг фидокорона меҳнати ирригация тизимини тиклаш ва қурилишида катта ютуқларни қўлга киритишга имконият яратиб берди. Ирригациянинг ривожланиши ўз навбатида суғориладиган, жумладан, пахта экиладиган ерларнинг кенгайишига олиб келди.

Қуйидаги жадвал суғориладиган ерларнинг йилдан-йилга ортиб борганлигини яққол кўрсатади.

***1922-1924 йилларда Туркистонда суғориладиган ерлар майдони [6.42.]***

| № | Вилоятлар номи | Суғориладиган ерлар (десятинада) | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 1921-1922 йй | 1922-1923 | 1923-1924 |
| 1 | Сирдарё | 339000 | 517189 | 514620 |
| 2 | Фарғона | 293000 | 394319 | 417296 |
| 3 | Самарқанд | 205000 | 313917 | 313917 |
| 4 | Туркманистон | 79000 | 121750 | 130116 |
| 5 | Амударё | 36000 | 54436 | 54436 |
| 6 | Еттисув | 228000 | 250674 | 262670 |
| | Жами | 1180000 | 1652285 | 1693055 |

Жадвалда келтирилган далиллар кўрсатадики, суғориладиган ерлар майдони 1924 йилда 1922 йилга нисбатан 513055 десятинага ёки деярли 35 % га кўпайган.

Туркистон пахта қўмитасининг маълумотига кўра, пахта экин майдони 1922 йилдаги 51 минг десятинадан 1923 йилда 152 минг десятинага ўсган. Туркистон республикасида 1924 йилда пахта майдони 300 минг десятинани ташкил қилган. Пахта майдони ва пахтачиликнинг ўсиши совет ҳукумати томонидан марказнинг тўқимачилик саноатини пахта хом ашёси билан таъминлаш мақсадида амалга оширган чора-тадбирлар – ирригацияни тиклаш, ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, деҳқонларни моддий манфаатдор қилиш, пахта экинидан олинадиган солиқлар миқдорини камайтириш ва бошқаларнинг натижаси эди.

Умуман, 20-йилларда пахтачиликни механизациялаш, мелиорациялаш, химиялаштириш соҳаларида дастлабки самарали, ижобий ишлар амалга оширилган.

## Адабиётлар

1. Раззақов А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи.- Т.: Ўзбекистон, 1994.- 304 б.
2. Ибрагимов Р. История развития ирригации в Узбекистане.- Т.: Фан, 1975.- 194 б.
3. ЎзР МДА, 17-фонд, 9-рўйхат, 339-иш, 57-варақ.
4. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари.- Т.: Шарқ, 2001.- 464 б.
5. ЎзР МДА, 88-фонд, 1-рўйхат, 86-иш, 262-варақ.
6. ЎзР МДА, 88-фонд, 1-рўйхат, 473-иш, 42-варақ.

*Андижон давлат университети,*
*2019 йил 18 январда қабул қилинган*
*(Тақризчи: т.ф.д. М.Абдуллаев)*